

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2024 йил декабрь ойининг 02 куни жиноят ишлари бўйича Боёвут туман суди туман ИИБ биносида, очик сайёр суд мажлисида, шу суднинг раиси Б.Қораев раислигида, Б.Султановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Боёвут туман прокурорининг ёрдамчиси Ф.Вайдуллаев, судланувчи [REDACTED] ва жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] нисбатан 1-1203-2401/156-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] Сирдарё вилояти, Боёвут тумани туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, мавсумий ишчи, оилали, фарзанди йўқ, муқаддам судланмаган, Сирдарё вилояти, [REDACTED] яшайди, 14.10.2024 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, 15.10.2024 йилда “қамоқ” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 15.11.2024 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара нутқи ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, йиғилган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2024 йилнинг 23 август куни соат 17:30 да тегишли ҳужжатлари асосида акаси [REDACTED] тегишли бўлган оқ рангли Дамас русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини Боёвут тумани, Бунёдкор МФЙ ҳудудидан ўтган 4К-651 автомобил йўлининг 10-километрида “Гулистон-Боёвут” йўналишида бошқариб бораётган вақтда амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 1-қисми, яъни “*Транспорт воситасини ҳодиса содир бўлган жойда руҳсат берилган тезлик 50 км/соатдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши*”, 77-банди 3-қисми, яъни “*Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқарган пайтда аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф тугдирмаган ҳолда айланиб ўтиши чораларини кўриши керак*” лиги талабларига зид равишда ҳаракатланиб, асфальт қопламали йўлнинг ўнг томон четида тўхтаб турган автомашинадан тушиб,



ушбу автомашина эшиги олдидан бошлаб югуриб йўлнинг катнов қисмини ўнгдан чапга кесиб ўтган 19.03.2019 йилда туғилган вояга етмаган [REDACTED] [REDACTED] автомашинасининг олд қисми ўнг томони билан уриб юбориб йўл-транспорт ҳодисасини содир қилган. Натижада вояга етмаган [REDACTED] олган тан жароҳатлари билан ҳодиса содир бўлган жойда вафот этган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 16.09.2024 йилдаги №25-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган марҳум [REDACTED] ўлими, қўшма жароҳат натижасида келиб чиққан биринчи бўйин умуртқаси танасини ёпиқ синиши билан кечган орқа мия тўқимасини эзилишидан юз берганлиги, юқорида кўрсатилган тан жароҳатлари, шунингдек, бош мия ёпиқ жароҳати, биринчи бўйин умуртқаси танасини ёпиқ синиши ва калла асосидан ажралиши, юқори жағ суяги ўнг томонидан силжиб синиши, юқори жағда кўплаб тишларни синиши, чап билак ва чап тирсак суяклари пастки учлигидан ёпиқ синиши, чап катта ва кичик болдир суяклари ўрта учлигидан ёпиқ синиши, мия юмшоқ пардасига қон қуйилиши, бош чап чакка соҳаси ички юзасига қон қуйилиши, юқори лаб ва чап юз соҳаларида дефектли лат яралар, бурун, чап юз, чап кулоқ соҳаларида шилинмалар, юқори лаб соҳасида юмшоқ тўқима лат ейиши каби тан жароҳатлари борлиги, ушбу жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида, зарб натижасида қарорда кўрсатилган яъни йўл-транспорт ҳодисасида содир бўлган бўлиши мумкинлиги, бевосита ҳаёт учун хавф туғдирган ва асоратлари билан ўлимга олиб келганлиги тирик шахсларда тан жароҳатларининг оғирлик даражаси бўйича “ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати” деб баҳоланишлиги кўрсатилиб ўтилган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 14.10.2024 йилдаги 29/32/517-13.1Z/546-сонли хулосасига кўра, ҳайдовчи [REDACTED] амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 1 ва 3-қисми талабларига зид равишда ҳаракатланганлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] ли ўзининг бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида айбига иқрор бўлиб, у акаси [REDACTED] га тегишли бўлган оқ рангли Дамас русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини тегишли ҳужжатлари асосида бошқариб келгани, 2024 йил 23 август куни соат тахминан 17:30 ларда [REDACTED] ҳудудидан ўтган асфальт қопламали йўлда кундузги вақтда бир ўзи йўловчиларсиз ва юксиз ҳолатда ушбу Дамас автомашинасини “Гулистон-Боёвут” йўналишида бошқариб кетаётгани, автомашинани соатига 50-60км/соат тезликда бошқаргани, у ўз ҳаракат бўлагидида автомашинани бошқариб кетаётган вақтида уни ҳаракат йўналиши бўйича асфальт қопламали йўлнинг ўнг томон обочинасида оқ рангли [REDACTED] русумли автомашина ўнг ёритиш чирокларини ёқиб тўхтаб турганлигини, автомашина ўнг олд эшиги олдида унга нотаниш бўлган вояга етмаган болача турганлигини кўргани, автомашина



обочинада турганлиги, ўнг эшиги олдида болача турганлиги сабабли ўзига нисбатан хавф бўлмаганлиги сабабли ўз ҳаракат бўлагида ҳаракатланишни давом эттириб, оқ рангли [REDACTED] русумли автомашина орқа соҳасига автомашинаси олд қисми билан ёнма-ён ҳолатда келган вақтида вояга етмаган болача оқ рангли [REDACTED] русумли автомашина ўнг олд эшиги олдидадан автомашина олди қисмидан айланиб ўтиб тўхтамаган ҳолатда асфальт қопламали йўлни ўнг томонидан чап томонига катта тезликда югуриб ўта бошлагани, бу вақтда уни кўриб автомашина рул чамбарагини чап томонга қараб олиб бургани, лекин масофа жуда қисқа бўлганлиги сабабли автомашина ўнг олд қисми билан [REDACTED] уриб юборгани, сўнгра автомашинасидан тушиб уни кўтариб ўзига нотаниш бўлган автомашина олдида олиб борганива [REDACTED] уларга бериб юбориб, ортидан ўзи РШТЁИМ СВФга боргани, у шифохонага борган вақтида [REDACTED] вафот этганлигини билгани, айбига иқдорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан адолатли қарор чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

**Жабрланувчини қонуний вакили** [REDACTED] суд муҳокамасида, у 2014 йилда [REDACTED] билан турмуш қургани, турмушларидан ўзаро 3 нафар фарзандлари туғилганлари, марҳум вояга етмаган фарзанди [REDACTED] 2024 йил 23 август куни ЙТҲ натижасида вафот этгани, [REDACTED] вафот этгунига қадар маҳалламизда яшовчи фуқаро [REDACTED] га тегишли бўлган [REDACTED] номли боғчада тарбияланиб келаётгани, келишувлари бўйича у ойига 150.000 сўм тўлаши кераклиги, фарзандини улар ўзлари эрталаб олиб кетиб кечги вақтда ташлаб кетишларини, 2024 йил 23 август куни соат тахминан 17:30 ларда яшаш уйини олдида гишт қўяётгани, шу вақтда турмуш ўртоғини дадаси деган овози чикқани, у зудлик билан ҳодиса жойига борса фарзандини одамлар кўтариб турганлигини кўргани, кўлини юзи қонга беланиб ётганлигини кўргани, сўнгра [REDACTED] акани автомашинасида РШТЁИМ СВФга олиб боргани, у ерда шифокорлар фарзандини кўришиб уни вафот этганлигини айтишгани, сўнгра экспертизага ўтказишгани, эксперт томонидан судга оид тиббий текширув амалга оширилгани, ҳозирги пайтда судланувчи [REDACTED] томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаганлиги сабабли уни судланувчи [REDACTED] нисбатан даъво эътирози йўқлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланишини айтиб кўрсатув берди.

**Гувоҳ** [REDACTED] суд муҳокамасида 2023 йилда турмуш ўртоғи [REDACTED] яшаш хонадонидан “Нафосат” номли боғча ташкил қилгани, у ерда болалар ҳозирги кунга қадар тарбияланиб келишини, марҳум вояга етмаган [REDACTED] ҳам уларни боғчасида тарбияланувчиси бўлгани, 2024 йил 23 август куни соат тахминан 17:30 ларда болаларни уйларига ташлаб келиш мақсадида бошқарувида бўлган оқ рангли Жентра русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинани бошқариб унга 5 нафар вояга етмаган боғчалари



тарбияланувчиларини миндиргани, мазкур вақтда автомашинаси олд ҳайдовчи ўриндиғи ёнидаги ўриндиққа вояга етмаган марҳум [REDACTED] ўтиргани, ўзи автомашинасини бошқариб [REDACTED] яшаш хонадони тўғрисидаги асфальт қопламали йўлни ўнг томон четига обочинасига тўхтатгани, шу вақтда қарама қарши йўналишдан ўз ҳаракат бўлагиди оқ рангли Нексия-3 русумли автомашина ҳаракатланиб келаётгани ва уларни олдидан ўтиб кетгани, у автомашина эшигини очиб тушмоқчи бўлган вақтида вояга етмаган марҳум [REDACTED] ҳам автомашина эшигини очгани, у ортида бирор бир автомашина бор ёки йўқлигига қарай деган вақтида автомашинаси орқа соҳасидан тахминан 2-3 метр яқин қолган оқ рангли Дамас русумли автомашинани кўриб қолгани ва вояга етмаган марҳум [REDACTED] шошмай туришлигини айтишини билади у автомашинасини олд қисмидан югуриб ҳаракатланиб асфальт қопламали йўл томон югура бошлагани, ушбу вақтда Дамас русумли автомашина уни автомашинаси орқа соҳаси билан ёнма ён ҳолатига келган вақтида вояга етмаган марҳум [REDACTED] асфальт йўлни кесиб ҳаракатлангани, ушбу вақтда Дамас русумли автомашина ҳайдовчиси автомашинаси олд қисми билан вояга етмаган марҳум [REDACTED] уриб юборгани, сўнг у вояга етмаган [REDACTED] асфальт қопламали йўлдан қўли билан кўтариб олгани ва автомашинаси салоида боғча тарбияланувчилари борлиги сабабли Дамас ҳайдовчисига болани бериб шифохонага тез олиб боришлигини айтгани, у болачаларни ташлаб, РШТЁИМ СВФга боргани, у ерда шифокорлар унга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатганлигини, кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан у вафот этганлигини эшитганлигини айтиб кўрсатув берди.

**Гувоҳ** [REDACTED] суд муҳокамасида у 2022 йил 16 июль кунидан бошлаб то ҳозирги кунга қадар Сирдарё вилояти, [REDACTED] “Нафосат” номли боғча очиб яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишини, марҳум [REDACTED] у фаолиятини олиб бораётган “Нафосат” номли боғчада тарбияланувчиси бўлгани, марҳум [REDACTED] и ҳаётлигида 2024 йил 23 август кунидан буён то ҳодиса содир бўлган кунига қадар боғчада тарбияланиб келаётгани, уни ўзи раҳбарлик қилиб келаётган [REDACTED] номли боғчага онаси олиб келиб, “сизни боғчангизга боламини бермоқчиман” деб айтгани, унга шифохонада эканлигини айтганлигини, унга “фарзандингизни боғчага беринг, мен тарбиячи [REDACTED] га айтиб қўяман, фарзандингизни қабул қилиб олади, мен шифохонадан чикқанимдан сўнг барча ҳужжатларни хусусан шартномаларини расмийлаштириб бераман” деб айтгани, онаси рози бўлганидан сўнг уни тарбияси олиб қолгани, 2024 йил 24 август кунини соат тахминан 17:30 ларда у Гулистон шаҳрида жойлашган уйда бўлган вақтида, унга турмуш ўртоғи [REDACTED] қилиб, “Бехрузни” уйини олдада номаълум автомашина уриб юборганлигини, ўзини автомашинаси ичида 4-5 нафар боғча тарбияланувчилари борлигини, ўзи шифохонага кетиши кераклигини, автомашина ичида бўлган болачаларни боғчага ташлаб кетишини, у



болачаларни уйларига тарқатиб чиқиш учун боғчага келишлигини айтгани, шундан сўнг узудлик билан боғчасига келгани, [REDACTED] исмли тарбияланувчиларни олиб, танишига тегишли бўлган автомашинада уларни уйларига ташлаб қўйгани, турмуш ўртоғи [REDACTED] олдига бориш мақсадида РШТЎИМ СВФга боргани, [REDACTED] вафот этганлигини билгани, турмуш ўртоғидан ҳолатни сўраса [REDACTED] ларни уйини олдидаги асфальт йўл обочинасига тўхтаганлигини, [REDACTED] автомашина салони олд ўриндиғида бўлганлигини, турмуш ўртоғи автомашинадан тушаман деб орқани кўрсатувчи ойнасига қараган вақтида, ортидан Дамас русумли автомашина ҳаракатланиб келаётганлигини кўрганлигини, [REDACTED] автомашина олд ўриндиғидан тушиб автомашина олд қисмидан кесиб асфальт йўлни кесиб ўтишга ҳаракатланганлигини, турмуш ўртоғи эшикни очишга улгурмаганлигини, очганида ортидан келган [REDACTED] уриб юборган автомашина эшиги очилганлиги ҳисобига эшигини уриб юбориши мумкинлигини билганлигини, [REDACTED] йўлни кесиб ҳаракатланган вақтида Дамас русумли автомашина олд қисми билан [REDACTED] ни уриб юборганлигини маълум қилганлигини айтиб кўрсатув берди.

#### Гувоҳ

[REDACTED] суд муҳокамасида [REDACTED] [REDACTED] уни укаси бўлишлигини, унга тегишли оқ рангли Дамас русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинасини укаси [REDACTED] бошқаришга бериб қўйганлигини, укаси тегишли ҳужжатлари асосида ушбу автомашинани бошқариб юришлигини, у укаси [REDACTED] 2024 йил 23 август куни соат тахминан 17:30 ларда Боёвут тумани, Бунёдкор МФЙ ҳудудидан ўтган асфальт қопламали йўлда кундузги вақтда ушбу Дамас автомашинасини “Гулистон-Боёвут” йўналишида бошқариб кетаётганида уни ҳаракат йўналиши бўйича асфальт қопламали йўлнинг ўнг томон обочинасида тўхтаб турган оқ рангли “Жентра” русумли автомашинадан тушган вояга етмаган болача йўлни тўсатдан кесиб ўтаётганида уриб юборганлиги оқибатида вафот этганлигини, дамас автомашинасига ҳам шикаст етганлигини, [REDACTED] уни туғишган укаси бўлганлиги сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва қонуний вакилнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят ишидаги мавжуд далилларни таҳлил қилиб, судланувчи [REDACTED] айби унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик кўрсатмаларидан ташқари қуйидагилар,

-23.08.2024 йил санаси билан расмийлаштирилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган ЙТХ чизмаси, фотожадвал (и.в.7-18);

-транспорт воситасини техник ҳолатини кўздан кечириш ва текшириш далолатномаси билан (и.в.23);

-йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумот билан (и.в.24);

- [REDACTED] 26.08.2024 йилда гумонланувчи тариқасида сўрок баённомасида ўз айбига иқрорлик кўрсатмалари билан (и.в.46-51);

-автомашинани кўздан кечириш баённомаси билан (и.в.73-77);



-суд тиббий экспертизасининг 16.09.2024 йилдаги №25-сонли хулосаси билан (и.в.94-98);

-гувоҳ [REDACTED] ни кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси билан (и.в.101-111);

-17.09.2024 йил санаси билан расмийлаштирилган тергов эксперименти баённомаси билан (и.в.113-122);

-судга оид автотехника экспертизасининг 14.10.2024 йилда тузилган №29/32(517)13.1Z/546-сонли хулосаси билан (и.в.132-134);

- [REDACTED] ни 14.10.2024 йилда айбланувчи тариқасида сўроқ баённомасида ўз айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатмалари билан (и.в.146-151) ва жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят иши бўйича йиғилган барча далилларга баҳо берар экан, ушбу далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди деб ҳисоблаб, ишга алоқадор деб эътироф этди. Шунингдек, суд ушбу далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги учун мақбул деб, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланганлиги учун ишончли далиллар деб ҳисоблади.

Суд, судланувчи [REDACTED] томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини, яъни амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 1-қисми, 77-банди 3-қисми талабларини кўпол равишда бузиб, хавфсизлик чораларини кўрмасдан ҳаракатланиши оқибатида одам ўлимига олиб келган йўл-транспорт ҳодисасини содир этишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топгани ҳолда, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандида “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, **моддий**



*зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшида эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишида фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ–атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)” деб кўрсатилган.*

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг қонуний вакилининг унга нисбатан моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги ва у билан ярашганлигини, уни кечирганлигини, уни муқаддам судланмаганлигини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, шунингдек у мазкур жиноятни транспорт воситасидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари талабларини қўпол равишда бузганлигини ва бунинг оқибатида одам ўлганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда у айбдор деб топилган моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарлар жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарлар [REDACTED] томонидан қопланганлигини инобатга олишликни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят ишида далилий ашё деб эътироф этилган:

- [REDACTED] тегишли [REDACTED] рақамли 1 (бир) дона ҳайдовчилик гувоҳномасини сақлаб туришлик учун Боёвут тумани ИИБга юборишликни;

- [REDACTED] тегишли бўлган “Дамас” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган автомашинанинг автотототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида [REDACTED] гувоҳнома ва суғурта полисини унинг ўзига қайтаришликни;

-2 (икки) дона ДВД дискларни жиноят иши ҳужжатларида сақлашликни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини ва 45-



моддасини қўллаб 2 (икки) йил муддатга барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

■ жиноят иши бўйича 2024 йил 14 октябрдан то 02 декабрь кунига қадар ушлаб турилган ва қамоқда сақланган 51 кунини Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан ушлаб туриш, қамоқнинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг 3 (уч) кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан ( $51 \times 3 = 153$ ) 5 (беш) ой 3 (уч) кун чегирилиб, қатъий ўташлик учун 2 (икки) йил 6 (олти) ой 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Сирдарё вилояти Боёвут туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

■ нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва ■ дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили ■ етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг жиноят ишида далилий ашё деб эътироф этилган:

- ■ тегишли ■ рақамли 1 (бир) дона ҳайдовчилик гувоҳномаси сақлаб туришлик учун Боёвут тумани ИИБга юборилсин;

- ■ тегишли бўлган “Дамас” русумли давлат рақам белгиси ■ бўлган автомашинанинг автомобилотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида ■ гувоҳнома ва суғурта полиси унинг ўзига қайтарилсин;

-2 (икки) дона дисклар жиноят иши ҳужжатларида сақлансин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан сўнг 10 сутка муддат ичида, судланган шахс, жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига апелляция шикоятни ёки апелляция протести, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса шу суд орқали Сирдарё вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясига кассация тартибида кассация шикоятни ёки кассация протести келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи:-**

**Б.Ш.Қораев**

**Аслига тўғри:**

